

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 123-ҳадис

* وروينا في "صحيح مسلم" عن عائشة رضي الله عنها قالت: افتقدت النبي صلى الله عليه وسلم ذات ليلة فتحسست، فإذا هو راكع أو ساجد يقول: "سبحانك وبحمدك لا إله إلا أنت".

123/6. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир кеча Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни тополмай қолдим. Ахтариб борсам, рукуъ (ёки сажда) қилаётган эканлар. Унда:

سُبْحَانَكَ وَبِحَمْدِكَ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ

«Субҳанака ва биҳамдика ла илаҳа илла анта»ни айтаётган эдилар.

(Маъноси: Сенга ҳамд айтиш билан Сени поклайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ.)

Имом Муслим ривоятлари.

* وفي رواية في مسلم: "فوقعت يدي على بطن قدميه وهو في المسجد، وهم منصوبتان وهو يقول: "اللهم أعود برضاك من سخطك، وبمعافاتك من عقوبتك، وأعوذ بك منك، لا أحصي ثناء عليك، أنت كما أثنيت على نفسك".

Муслимнинг бошқа бир ривоятларида Оиша розияллоҳу анҳо:

«Менинг қўлим Расулуллоҳу соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оёқлари ўртасига тегиб кетди. У зот оёқларини узатиб, саждада турғанларида:

اللَّهُمَّ أَعُوذُ بِرِّضَاكَ مِنْ سَخْطِكَ وَبِعَفَافِتَكَ مِنْ عُقوبَتَكَ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ لَا أُخْصِي

ثَنَاءً عَلَيْكَ أَنْتَ كَمَا أَنْتَ عَلَى تَقْسِيمِكَ

**«Аллоҳумма аъзу бика биризока мин сахотика ва бимуъафаатика
мин ъуқубатика ва аъзу бика минка, ла уҳсий санаан ъалайк, анта
кама аснайта ъала нафсик»ни ўқиётган эдилар».**

(Маъноси: Эй Раббим, Сенинг розилигинг билан ғазабингдан, оғиятинг билан уқубатингдан паноҳ тилайман. Сенинг номинг ила Сендан паноҳ тилайман (яъни ғазабингдан). Мен Сенга Сен ўзингга сано айтганинг каби кўп сано айта олмайман.)

Манба: hadis.islom.uz

